

ИБРОҲИМ РАҲИМ




одам қандай
тобланди

ИБРОҲИМ
РАҲИМ

ОДАМ
ҚАНДАЙ
ТОБЛАНДИ

Р О М А Н



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1978

Уз
Р 33

Раҳим Иброҳим.

Одам қандай тобланди: Роман. И. Раҳим.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 ©—216 б.

Иброҳим Раҳимнинг янги романи гигант ГРЭС қурувчиларига бағишланган. Сиз бу романда улкан иншоот қурувчиларининг ҳаёти, интилишлари ва уй-ҳаёллари билан танишасиз.

Рахим Ибрагим. Как закалялся человек. Роман.

Уз2

Р $\frac{70303-77}{352(06)-78}$ 14-78

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

БИРИНЧИ БОБ

I

Одам боши тошдан ҳам қаттиқ экан ва иродали инсон заҳматдан эзилмас, маломатдан эгилмас, сувда чукмас, оловда ёнмас, аксинча чиниқар, тобланаркан. Бу ҳақиқат баёини турлича бошласам буларди, аммо мен ўз қисматимдан бошладим. Негаки, ёш бошимга ажаб савдолар тушиб, не-не одамлар билан тўқнашдим.

Қурғоқчилик. Кўпдан ёмғир ёлмаганидан чўлда чанг тўзимоқда. Бурганларнинг барглари аллақачон тукилиб, шипшийдаб бўлиб қолган, ўт-гиёҳ куйиб битган. На дарахт, на соя бор. Атрофда бетайин шамоқ ҳоким.

Еру осмон... Мен қидирган исириқ қаёқда?! Узоқ-узоқларда ёлғиз янтоқлар гоҳ қорайиб, гоҳ сарғайиб кўринади. Шаҳарлик одамга бу ўзгача дунё: оёқларим остидаги ерлар ҳам менинг ерларим эмасдай, гўё мен осмондан тушганману тепамга ўша заҳоти қозон тўнташиб қўйилгандай. Мени бу ерга ҳеч ким бошлаб келгани йўқ, планеталар аро ракеталар ҳам ташлаб кетгани йўқ. Мени бу ёққа бошимга тушган савдолар, пешанамга битилган қисмат олиб келди.

Қисмат дафтаримни очмасдан аввал танишиб олайлик.

Номим Эркин, фамилиям Акбаров. Учинчи синфни битиргач, олий ўқув юртига киролмадим. Битта ўринга элликта ариза. Иншодаёқ йиқилганман. Ҳунарим ҳам йўқ, аммо унча-мунча электр иши қўлимдан келади. Уйимизда чироқ ўчавериш жонимизга тегарди. Монтёр чақиравериш ҳолдан тоярдик. Лекин монтёрлар ҳам чақирсангиз дарров келавермасди. Ўшанда мактабда кўр-

гапларим фойда берди, анча-мунча икир-чикирларга қўл уриб юриб монтерлиқнинг чакана ишларига кўзимпишиб қолди. Шундан кейин уйга монтер чақиришдан қутулдик. Қўни-қўшни ҳам чироғи ўчса мени чақирадиган бўлди. Бировнинг куйган пробкаси борми, кимнингдир уйдаги электри замикание бўладими — дарров йўқотардим. Ишқилиб бу соҳада маҳалланинг дастёри эдим. Лекин майда-чуйда ишларни қилиб юрганим билан монтер бўлиб олганим йўқ эди. Уста кўрмаган шогирд эдим. Ана шуниси панд берди.

Маҳалла комитетимизнинг раиси Бердиевнинг уйида қандайдир маросим бўлди. Ҳовлисига сим тортиб, электр чироқ ўрнатиб беришни сўради. «Хўп!» дедим-да бажо қилдим. Аммо симни қаердан тортишни яхши чамаламаган эканман, замикание бўлиб кўча столбасидаги трансформатордан ўт чиқиб кетди-да, портиллаб чақмоқ чиқа бошлади. Шу заҳоти ҳовлидаги, уйлардаги чироқлар ўчди. Бўлди тўполон, бўлди тўполон...

Хатони тузатиш учун столбага тармашиб эдим: «Чиқма!.. Чиқма, ўласан!» деган овозлар эшитилди.

Номус кучи зўр экан, орқамга қайтмадим, тепага ишилдим. Аммо изоляция асбобларим йўқ эди, аварияни битиролмадим. Шу орада шошилинч телефон қоқишган бўлсалар керак, авария машинаси етиб келди.

Мен балога қолдим. «Қимсан?.. Нега ўзбошимчалик қилдинг?.. Сенга ким ҳуқуқ берди?» каби сўроқ-қистоклардан кейин акт тузиб кетишди.

Шундан кейин Бердиевга ҳам гап тегди шекилли, у мени олдига чақирди-да, кўзини ола-кула қилиб зарда билан деди:

— Электрга қўл урганингни яна бир марта кўрсам жизсангни оламан! — деди.

Бу билан ҳам қаноатланмабди, уйимизга кириб, онамга ҳам насиҳат қилибди.

— Ўғлингизни электрга яқинлаштирманг, фарзандингиздан айрилиб қоласиз...— дебди у онамга.

Онам менга ялиниб-ёлворди. У кўзига ёш олиб, иккинчи бор бу ишни такрорламаслигини мендан илтимос қилди.

Бу ишни бас қилиб, маҳалла-кўй, қўни-қўшнининг дастёрчилигини қилиб юрдим. Кўп вақтим маҳалла комитетининг идорасида ўтади. Ўзимдан-ўзим маҳалланинг штатсиз ходимидай бир одам бўлиб қолдим. Ҳамма

ишга аралашиб турдим, мажлисларда ҳам нутқ сўзлай-
диган бўлдим. Ўзим гапга чечанмап. Шунинг учун
маҳалламда мени Эркин булбул дейдилар. Кунларнинг
бирида маҳалла комитети сайлов мажлисида кўпроқ
гапириб юборибман. Биттаю битта нотик ўзим бўлганим-
данми, ҳеч ким мени тўхтатмади. Бердиев хусусида
сайрагандан-сайрадим. Мени электр ишига йўлатмай
қўйгани учун уни қаттиқ саваладим. Лекин гапим ино-
батга ўтмади. Бердиев яна маҳалла комитетининг раиси
қилиб сайланди.

— Мен сени қарқуноқ деб юрсам булбул экансан,—
деди Бердиев ва ҳаммага эшиттириб такрорлади.— Эр-
кин булбул...

Ўшандан бери Эркин булбул демаса мени биров
танимайди.

Ота-онадан икки ўғилмиз. Мен ва акам.

Акам газ сув сотарди. Гоҳо қарашиб турардим. Ёз
кунлари сувнинг бозори юришиб қолганда акам тўғри-
дан-тўғри водопровод сувидан ишлатар, сироп ўрнини
баъзан бўялган сув босарди. Менга бу қилиғи ёқмасди.
Ҳалолликка ундаб тарсаки ҳам еганман.

Бир кун онам билан келиноним тўрталамиз жам ўти-
риб, нонушта қилаётганимизда акамнинг бу қинғир
қилиғини юзига ҳам солдим. Онам унга қараб: «Қинғир
ишнинг қирқ йилда ҳам қийиғи чиқади — ҳалол бўл,
болам!» — деди. Шунда акам: «Ҳали сен менинг орқам-
дан қўйилган жосусмисан?» — деди-да, мени яқинига
йўлатмай қўйди.

Ўшандан бери акам билан чиқишмаймиз.

Акамнинг газ будкасида кечиб, гулчиликка ўтдим.
Шаҳар ҳовлимизда озгина офтобрўй жой бор эди. Ўша
ерга атиргул ва бошқа гуллар ўтқаздим. Гулнинг гурган-
битгани — пул! Бўйранинг ўрнидай жойнинг гулини баъ-
зан бир халта қилиб оламан. Гул пуллашнинг йўлини
билиш керак-да. Гулларим ҳамманикидан эрта очилади.
Қолаверса, қаерда сотишни биламан. Ҳам эпчил, ҳам
ҳушёр, ҳам гапга усталигим қўл келади. Яхши гапирсан-
гиз харидор сиздан пари кетолмай қолади.

Ҳунар билмасангиз ҳам гап билинг экан. Чойхўрлик-
дами, ўтириш, базмлардами, ҳатто мажлисларда ҳам
чайналиб ўтирмай шарт-шарт гапираман-қўяман. Гап
ўзи қуйилиб келади. Шунинг учунми, лақабимдан жа-
лим чиқмай қўйди. Чунки бу лақаб менга анча қўл

келиб қолди-да. Эркин булбул дейишганларидан кейин эркин гапириш ҳуқуқини ҳам беришар экан-да. Булбул қайси дарахтга қўниб, қаерда сайраса ҳам эрк ўзиники экан. Мен ҳам саватчага гулни тўлдириб олиб: «Оп қолинг!», «Кеп қолинг!» «Асил атир, оламга татир», қилиб эшикма-эшик, қаватма-қават сайраб юраман. Ҳеч ким нари кет, демайди. Кўзи кўзимга тушган ҳар қандай одам гапимга қулоқ солса кифоя. Дарҳол қўлига гул тутқазаман, бўйли гулни ҳидлатиб қўяман. Ёшроқлари бўлса: «Ўзингиз гулдек экансиз, бир жуфт бўлиб юринглар», дейман. Кексароқ одам бўлса: «Шу гулни атайлаб сизга атаб ўстирганман», дейман. Ишқилиб ҳар кимнинг ўзига лойиқ гап топиб, ўзига яраша муомала қиламан. Нима қилсам ҳам, нима десам ҳам, гоҳ арзон, гоҳ қиммат сотсам ҳам гулимни ўтқизаман. Мижоз орттириш учун нималар қилмайди киши.

Менинг кимим кўп — мижозим кўп. Бирдан-бир бойлигим ҳам шу бўлса керак. Ҳеч кимни зориқтирмайман. Бировнинг туғилган куни, кимнингдир тўй-ҳашамни, кимникига меҳмон келмоқчи, кимдир қутловга бормоқчи. Шуларнинг ҳаммасини гул билан таъминлаш менинг бўйнимда. Ўзимники етмаса бировлардан топиб келаман. Ўзим ҳам катта гулчиларга қадрдон бўлиб олганман.

Ишларим юришгандан-юришди. Одамлар менга ҳавас қиладиган бўлишди. Улфатларим ҳам кўпайди. Тўй-ҳашамларга, қариндош-уруғлар, ёр-биродарларнинг тантаналарига дуруст-дуруст тўёнalar қиладиган бўлдим. Бувимнинг айтганларидек, одам қаторига қўшилиб қолдим. Лекин ҳаммага ёқиб қолган одам маҳалла комитетининг раисига, яъни менга булбул деб лақаб қўйган Бердиевга ёқмай қолдим.

Бердиев — қизиқ одам. Унинг нима демоқчи эканини билиб бўлмайди. Тирикчилик қилишга йўл бермайди. Гоҳ гул эрма, деб тиқилинч қилади, гоҳ гул сотма, деб хархаша қилади. Зиёфатга чақирсам кирадию фотиҳа ўрнига ҳам, раҳмат эвазига ҳам шу ишингни бас қил, дейди, холос.

Мен унга эътироз билдирдим.

— Гул экиш меҳнат эмасми?

— Гул-пул билан ишим йўқ, ишга кир! — дейди.

У кишига ҳеч гап тушунтириб бўлмайди. Мен унинг учун «тунеядец» — текинхўр эмишман. Текинхўр бўлиб нима қилибман, бировнинг ноини ўғирлаб ебманми?!

Ўз кунимни ўзим кўряпман, десам ҳам бари бир тушунмайди.

Орадан бир неча вақт ўтгандан кейин Бердиев дарвозамни тақиллатиб келди-да:

— Ишламасанг, ўқишга кирмасанг, маҳалламиздан кўчиб кет! — деди.

— Қанақа иш, қандай ўқишга кирай? — деб сўрадим.

— Танлаганингга кирасан! Унингчини битирган болалар заводга кириб, юз сўмдан ортиқ маош олишяпти. Баъзилар троллейбус ҳайдаяпти. Қўлларида пул ўйнайди, — деб туриб олди.

— Участка монтёрлигини олиб беринг, эплаб кетаман, — десам:

— Монтёрликни унут! — деб жеркиб ташлади.

Гулчиликни сира иш деб ҳисобламайди. Уни пенсионер чоллар қилсин эмиш. Бе! Чолларга чикора! Оёғини зўрға судрайдиган қариялар ҳозирги замон уйларининг қайси бирига кириб чиқа олади?! Уйлар қаватма-қават. Бирининг лифти бор, бирида йўқ, бор бўлса ҳам уч куп ишласа уч ой ремонтда ётади. Чолларнинг иши эмас гулчилик.

Бердиев кейинги пайтларда тез-тез эшикни тақиллатиб келадиган, «бу ишингни бас қил!» дейиш ўрнига қарзга пул сўрайдиган бўлди. Беравериб зерикдим. Охири икки марта қуруқ қайтардим-да, балога қолдим. Ишим участковойнинг қўлига ўтди. Участковой, лейтенант Ҳакимов ҳар ҳафтада бир келиб, ишга кирган-кирмаганимни сўраб кетади. Ҳар хил баҳоналар қиламан. Аммо гулчилик қилишимни мутлақо айтмайман.

Ҳакимов хушфёъл, мулойим, анча иш кўрган одам. У менинг ниманидир ундан яшираётганимни сездию менга билдирмади. Арқонни узун ташлаб қўйди. Мен ўзимни анча эркин сеза бошладим.

— Ўзинг иш тополмасанг, мана мен топиб бераман, — деди бир кун Ҳакимов ғамхўрлик қилиб. — Хоҳласанг милиционерликка киритиб қўяман. Янги кийим беради. Маоши ортган. Хўп деявер, бу иш қўлингдан келади.

— Бошқа иш қидиряпман... — деб баҳона қилдим.

— Қаердан?

— Узоқ Шарқдан, — дедим ҳеч важ тополмагач.

— Узоқ Шарқда нима қиласан? Шу ернинг ўзида иш қайнаб ётипти. Газеталарни ўқияпсанми, тўртинчи бетла-

ри «ишчи керак» деган эълонга тулиб чиқяпти. Ёки регулировкачиликка кира қол. Озгина ўқийсану катта йўлга чиқасан.

Мен унга ҳам баҳона кўрсатдим:

— Машина кўпайиб кетди. Бошқариш қийин. Қўрқаман. Яхшиси, светофорларни кўпайтира қолинглар.

Беш-олти кун Ҳакимовнинг кўзига кўринмай юрдим. Яна бир куни дуч келиб қолиб менинг ҳақимида молия бўлимига маълумот бермоқчи, катта солиқ солдирмоқчи бўлди. Молияга ҳам чап бериб юрдим. Чунки қўлга туширадиган молим йўқ. Гул сотиш чайқовчиликка кирмайди. Яна ўз билгим билан тирикчилик ўтказавердим.

— Қачонгача мени шарманда қиласан?! — деди бир куни Ҳакимов қўлимдан ушлаб олиб.

— Нима қилибман?

— Ҳар кун гап эшитаман. Участкангда ишламай тишлайдиган одам бор, деб ҳар кун мени тапқид қилдилар.

Бош эгиб жавоб қилдим:

— Меҳнатга ўрнашаман дедим! Худо хоҳласа кузда меҳнат дафтарчамни ўз қўлим билан келтириб бераман, ўз кўзингиз билан ўқийсиз.

Унинг жаҳли чиқди. Менга хўмрайиб деди:

— Кузгача?.. Бекор айтибсан. Бизда билагги кучга тўлган йигитчанинг кузгача тупроқ чангитиб юриши гуноҳ! Ҳамманинг сафида бўлишинг керак!

Ялиниб юриб зўрға бир ҳафтага муҳлат олдим. Ниятим — вақтни чўзиш, ўстирган гулларимни пуллаб олиш эди. Бир ҳафта ўтгач, у яна эшигимни тақиллатиб келди-да: «Ҳей Эркин булбул, бу ёққа чиқ!» — деди. Саватга гулларни жойлаётган эдим. Уни яширдим-да, бир дона атиргул кўтариб, қаршисига чиқдим.

— Мана шу гулни сизга атаб... Ҳидлаб юринг... — дедим-да, оладими, йўқми деган хавотирда турдим.

Ҳакимов гулимни қўлига олди. Роҳат қилиб ҳидлади-да, сўради:

— Шунақа атиргулингдан қанча бор?

— Сизга қанча керак? Қанча десангиз ҳам бир зумда муҳайё қиламан! — дедим севиниб, унинг ўзини ҳам мижоз қилиб олиш ниятида. — Дарровда топаман. Ўзингиз олиб кетасизми ёки уйингизга элтиб берайми?..

— Уйингда борини олиб чиқ! — буюрди у.

Саватдаги гулни олиб чиқдим.

— Ҳаммаси шуми?!

— Ҳаммаси шу...— дедим. Авзойига қарасам гул со-
тиб оладиган эмас.

— Неча пул туради?

— Сизга бепул, ўртоқ милиция лейтенанти...

— Нархини айт! — деди участкавой Ҳакимов овозини
баланд қилиб.

— Бир сўм бера қолинг.

— Ростини айт!

— Оғринсангиз, эллик тийин...

— Мана сенга уч сўм! Розимисан? — сўради Ҳакимов
кўзимга қараб.

— Розиман. Яна олиб чиқиб берайми? Керак бўлса
сизга топилаверади.

— Топиладиган жойини кўрсат менга! — деди у пў-
писа билан.

Топиладиган жойи гул бозорида эканини айтган
эдим, у менга қаттиқ тикилди-да:

— Узил-кесил гап шуки, бу ҳунарни ташла! — деди.—
Йўқса мажбурий хизматга рўпара қилиб қўйишим мум-
кин. Ихтиёрий хизматга юрадиган бўлсанг, мен сенга
иш топиб қўйдим.

Рости, қўрқдим. Бу участкавойнинг қўлидан ҳар иш
келади. Мени безори деб, ўн беш суткага рўпара қили-
ши ҳам мумкин.

— Майли, сиз айтган ихтиёрий ишга бораман,— де-
дим.

Саватдаги гулни ўзимга кўтаргизиб, кабинетига бош-
лади. Юрагим дук-дук уради. Гуё у мени алдаб, қамоқ-
қа ҳайдаб кетаётгандай: «Хайр, гулзорим... Хайр мижоз-
ларим... Алвидо, кафтимга тушиб турган сўлкавойлар...»

II

Мен олдинда, у орқада кетмоқдамиз.

Бердиевнинг эшиги олдидан ёғиниб, «ҳамма ишни
шу киши қилди», деб сўкиниб ўтдим. Сал юргач, мени
шарманда қилган электр столбасига кўзим тушди-да,
ўз-ўзимдан уялиб ерга қараб олдим. Шу кетишда электр
тармоғини назорат қилувчиларнинг трансформаторига
индамай бордим. Таниш монтер менга юзланиб: «Ҳа,

тагин столбага осилдингми?» — деб мазахлади. «Стол-
бангин пишириб е!» — дедим-да, йўлимда тезлаб кет-
дим.

Участкавойнинг кабинети олдидан ўтиб кетдик.
Демак, у мени тўппа-тўғри қамоққа олиб кетяпти. Қў-
лимдаги саватни улоқтиргим келди. «Саватни ташла-ю,
қоч!» дейди шайтон. Лекин бу лейтенантнинг қўлидан
қочиб қутулиш осон иш эмас. У жуда бақувват, шу
билан бирга чаққон, спортчи йигитлардан. «Югурса от-
дан ўзадиган, муштласа тоғни талқон қиладиган паҳла-
вон йигит»дан қочиб қутулиш мумкинми? Ноилож бора-
вердим.

У мени шаҳар ахлат тозалаш маҳкамасига — «Горо-
чистка»га олиб кирди. Ахлат ташийдиган машиналар
кириб-чиқиб турарди.

— Гулдастани қабул қилинглар! — деди лейтенант
Ҳакимов маҳкаманинг бошлиғига. — Эркин булбулнинг
сизларга тортиғи.

— Раҳмат, раҳмат... — деди бошлиқ саватни қўлим-
дан оларкан. — Ўзимам гул бозорига одам юбормоқчи
бўлиб тургандим. Энг яхши одамимизни пенсияга чиқар-
япмиз. Иштирок этсаларингиз яхши бўлади.

— Ўша пенсионернинг ўрнига ўринбосар олиб кел-
дим, — деди лейтенант мени унга тавсия қиларкан. — Бу
йигитнинг қўли гул. Ҳамма ишингизни қилади.

Бошлиқ зимдан авзойимга қаради. Синамоқ учуни
ёки бирор ишга чамаладимиз, обдан синчиклаб разм со-
либ олгач, сўради:

— Қандай ҳунарингиз бор?

— Гулчилик.

— Биз гул экмаймиз, аммо шахримизнинг гулдай
озодалиги учун курашамиз.

— Эркин булбул дейдилар бу йигитни, — гапга ара-
лашди Ҳакимов, — объектларингизни гулдек қилиб қўя-
ди. Жуда озода йигит.

— Бўпти. Эртадан ишга келаверинг! — деди бошлиқ
менга меҳрибон боқаркан.

— Қанақа ишга? — сўрадим ундан.

— Ахлат ташувчи бўласиз. Ойлиги ҳайдовчиникидан
салгина кам, холос. Аммо бир рўзгорга етарли.

«Таваккал, маҳалла комитети билан участкавойдан
яшириниб юриб кун кўргангидан ахлат ташувчи бўлга-
ним яхши», дедим-да, эртасига ишга бордим. Шофёр

бола иккимиз ўзимизга биркирилган кўчаларда айланиб, дарвозалар ташига чиқариб қўйилган ахлатлар, чиқиндиларни ташидик. Кўчама-кўча, дарвозама-дарвоза юравериб сал кунда анча одамлар билан танишиб олдим. Баъзан ўзимнинг мижозларимни ҳам учратиб, гулчилик ҳунаримни қўмсадим, ўзимга-ўзим ачиндим.

— Ие, Эркин булбул, нега кўринмайсан? Нега гул келтирмайпсан? — деган одамлардан яшириниб юрдим. Гулчиликдан ахлат ташувчиликка ўтиб қолганимдан ҳамма ҳайрон эди. Бу касбимдан ўзим ҳам уялар эдим.

Бора-бора бу касбнинг ҳам ҳадисини оливолдим. Эрталабданоқ саватимни гулга тўлдириб оламан-да, ахлат йиғиш билан бир йўла мижозларимнинг уйларига гул ташлаб ўтаман.

Ишларим яна юришгандан-юришди. Қўлимда яна пул ўйнайдиган бўлди. Янги касбимдан ҳазар қилганлар яна атрофимда айланишиб қолишди. Ахлат ташувчиларнинг орасида ҳам шайтон болалар бор экан. Ўшалар билан шанба-якшанба кунлари «Горочистка» машинасида бозорга қатнайдиган бўлдик, чайқовчиларнинг юкини ташидик.

Бир куни машинага шаҳар четидан помидор орддик. Хўжайин катта пул бермоқчи бўлди. Ахлат челаклари кўчаларга чиқарилгунча дундирамиз, деб ўйлагандик. Лекин бозорга келгач, чувимиз чиқди. Юкин машинага юклабмизу, унинг ахлат пресслайдиган агрегатига қарамабмиз. Йўлда пресс ишлаб кетибди-да, кузовдаги ҳамма помидорни сув қилиб оқизибди. Ана тўполон, мана тўполон... Бор пулимизни помидорфурушга бериб қутулдик. Помидорфурушдан қутулдигу, лекин бошқалардан қутулолмадик. Хонадонлар «Горочистка»га телефон қоқишиб, устимиздан шикоят қилишибди.

Ўчакишгандай, шу кунни биз хизмат қиладиган кўчаларга санинспекция вакиллари оралаб қолган экан. Улар ҳам шовқин кўтаришибди. Бундан хабар топган участкавой Ҳакимов йўлимизни тўсди. Биз ундан ҳар хил баҳоналар билан қутулдик. Аммо ўз бошлиқларимизга ҳеч қандай ваз-корсон қилолмадик. Чунки бутун номаи аъмолимиз уларга маълум: қачон путёвка олганмиз, қачон колоннадан чиққанмиз, неча километр йўл юриб, қанча бензин сарфлаганмиз... Ростини айтиб балога қолдик. Иккимизнинг ҳам ишдан думимиз тугилди.

Уч-тўрт кун ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслик мақсадида уйимдан чиқмадим. Аммо гул дарди менга ором бермади. Яна саватга гул тўлдирдим-да, ёзги кинотеатр олдига чопдим. Кинотеатр директори гулга харидор бўлди. Қаёққадир бориши, кимгадир тақдим қилиши керак экан. Чиройли гулдаста ясадим-да, қўлига тутқаздим. Узатган пулини олмагандим, қистаб ўтирмади-да, контролёрни чақириб, буюрди:

— Манави гулчи кинога кираман, деса билет суриштириб ўтирма.

Шундай қилиб кинотеатр ҳам ўзимизники бўлиб қолди. Йигит-қизлар жуфт-жуфт бўлишиб, бошларини бошларига қўйишиб ўтиришади. Ушаларнинг олдига бораман-да, йигитнинг қўлига гул бераман.

— Қизингизга гулча тақдим қилинг,— деб олдида туриб оламан.

Қизлар гулга ўч бўладилар.

— Ола қолинг,— дейди йигитига.

Йигит хасис бўлса ҳам ноилож сотиб олади. Ёнидаги жопони айтиб тургач, олишга мажбур-да!

Директорнинг баъзан меҳмонлари, баъзан аллақандай делегация келиб қолади. Ушанақа пайтда мен ҳозир унозирман. Битта-иккита гулдаста ҳеч нарса эмас, директорнинг зиёфат столларини ҳам гулдасталар билан гуллашиб қўяман. Ҳар куни эрталаб ўзи келгунча унинг иш столига ҳам икки-уч дона гул қўйиб кетаман. Унинг ишончини қозониб олганимдан кейин жуда бемалол юрадиган бўлдим, кинотеатр ўзимизники бўп қолди.

Бу ишимни ҳам кўп кўрдилар шекилли, ганимлар мени участкавой Ҳакимовга ушлаб беришди. Мен яна «хизмати номаълум» одамлар рўйхатига тиркалдим. Участкавой Ҳакимов «Ишга кир!» деб тиқилинч қилавергандан кейин кинотеатр директорига ялдим.

— Иш беринг-да, шу участкавойнинг кўзидан нари қилинг мени,— дедим.

Директор мардлик қилиб бир контролёрнинг баҳридан ўтди, ўрнига мени тайинлади. Ишларим яна юришиб кетди. Эшик олдига саватимни қўйволиб томошабинларга гул сотиб турдим. Баъзан шум болалар мендан гул сотиб олиш баҳонасида кўзимни чалғитиб, билетсиз кинога кириб оладиган бўлишди. Буни директор ҳам сезиб юрар экан-ку, лекин индамас экан.

Тез орада сирим очилиб қолди. Сиримни ОБХСС вакили очди. Текширишга келган куни гул сотишга маҳлиё бўлиб кетиб, бир неча тирранчаларни билетсиз киритиб юборибман. Қолдим балога, қолдим балога... Мендан бошқалар ҳам жазога тортилди.

Ҳаммадан ҳам кинотеатр директорига жабр бўлди. Яхши одам эди. «Кўнгилчапчилигидан шундай бўлди», деб унга ачиндим, лекин ёрдам беролмадим. «Айб ўзимда», деб ариза бердим, аммо бўлар иш бўлган экан, фойдаси тегмади. Бу ердан ҳам насибам узилди. Кинотеатр олдида гул сотишимни ҳам тақиқлаб қўйдилар.

Омадинг кетса биракайига кетар экан. Шу орада бизнинг уйимиз бузиладиган бўлди. Чунки Тошкент метроси худди бизнинг ҳовлимиздан ўтар экан. Ўтса ўтаверсин, метро поездининг гумбур-гумбурини эшитиб ўтира-миз, десам кўнмадилар. Сабаби, метро йўли ер остидан эмас, ер бетидан қазилар экан. Уйни бўшатиб бердим. Гулхоналарим ҳам тупроққа қоришиб кетди. Тўққиз қаватли иморатларнинг энг баланд қаватидан жой беришди. У ерга ҳеч нарса экиб бўлмайди.

Гул ишқи мени сира тинч қўймади. Ҳар қаёқлардан бўлса ҳам гул топиб келиб, пуллаб юрдим. Шунда номим олибсотарга чиқди. Эски миждозларимни йўқотмаслик учун аввалги жойларимга қатнаб турдим. Таниш участкавой Ҳакимов билан ҳам тез-тез тўқнашиб турдик.

— Ишлаяпсанми?

— Ишлаяпман.

— Қаерда ишлаяпсан?

— Оранжереяда.

— Давлатнинг гулини сотаяпсанми?

— Йўқ, ўзимнинг гулимни...

Участкавой Ҳакимов менинг изимга тушиб, гулни қаердан келтиришимни билиб олган экан, бир куни йўлимни тўсди-да, кўзимга тикилиб:

— Олибсотарлик қилар экансан. Бу ишингни ташла! — деди.

Бу одамнинг олдида юзим шувут эди. Икки марта ишончини оқлаёлмадим. Икковида ҳам у менга яхшилик қилган эди. Балки ҳозир ҳам охирги марта яхшилик қилмоқчидир...

Шундай хулосага келдим-да, оранжереяга қатнашни бас қилдим.

Бекорчиликдан бошим айланиб бозорга бордим. Гул бозори жуда сийраклашиб қолибди. Ҳамма гуллар дазлатнинг гул дуконида. Лекин менинг гулларим қаёқдаю, бу гуллар қаёқда. Афсуски ёмопотликқа чиқиб қолганман. Мени яна гул бозорида кўрсалар, тавбамни тан олмасалар керак.

Бозор айланиб чиқсам, ҳамма исириқ қидириб юрипти. Исириқ йўқ. Неча пул бўлса ҳам бераман, дорига керак, дейди биттаси. Бошқа бирови олдимга келиб: «Савобига қоласан, ҳеч бўлмаса бир боғ топиб бер», деб ялинди.

Савоб иш экан, шу ишни қилақолмайсанми, деди шайтоним.

— Исириқ қаерда ўсади?— сўрадим.

— Тоғларнинг бағрида, адирда, қирда, чўлу саҳрода...— деди харидор.

...Замонанинг зайли билан саҳрода исириқ қидириб юрибман. Чўлдан исириқ юлиб, олиб борсам биров мени олибсотар деёлмайди. Ахир чўлларга қатнаб, жазирамада исириқ юлиб, неча-неча чақиримга кўтариб бориш — меҳнат эмасми? Қани бу меҳнатни ҳамма ҳам қилиб кўрсин-чи!

ИККИНЧИ БОБ

I

«Қанисан дардга даво, радди бало исириқ?...»

Ўзимча гоҳ хиргойи қилиб, гоҳ овозимнинг борича қўшиқни жаранглатиб, кенг саҳрони кезиб юрибман. Тўрт томоним қибла: устим осмон, остим ер, улфатим шамол. Овозимни қурт-қумурсқалардан бошқа ҳеч кимса эшитаётгани йўқ. Одам умид билан тирик экан. Эркин булбулнинг умиди исириқда. Топилса бас.

Нималар кўнглингдан ўтса, баъзан ўшанга дуч келасан, айрим вақтларда ўнгингда ҳам тушингдагидай ҳодисалар юз беради. Менинг ҳаётимда ҳам худди шундай ҳодиса юз берди. Ўзимни денг тутолмайман... Тепаликнинг усти ва ёнбағирларида олтин ранг исириқлар ҳар жой, ҳар жойда сада-сада бўлиб турарди.

Ҳафсала билан исириқ теришга тушдим. Бир зумда қопимни исириққа тўлдирдим. Мени Тошкент бозоридаги янги харидорларим кутардилар.

Орқа-олдимга қарамай терлаб-пишиб зўрға бораётган эдим, кимдир тўсатдан:

— Ҳорманг! — деди.

Ҳеч ким йўқ жойда одам овози ҳам ваҳимали эшитилар экан. Хизирми, ажинами? Орқамга қарадим. Ҳеч ким йўқ. Ичимга туфладим-да, баттарроқ тезладим.

— Бир оз дам олинг! — деди бояги овоз.

Қопимни ерга қўйдим. Гўё бир лаҳзада ердан униб чиққандай қаршимда бир одам пайдо бўлди. Кўзим хиралашиб кетди. Одамми, девми, алвастими — билолмайман. Хаёлимда маҳалла комитетимиз раиси Бердиев билан участкавой Ҳакимов пайдо бўлди.

— Кимсиз? — беихтиёр сўрадим.

— Ассалому алайкум, йўл бўлсин? — деди у одам ёнимга келиб. — Қайси совхоздансиз?

— Бу ерда совхозлар ҳам борми?

— Э, жуда кўп.

Бу одам совхоз вакили бўлса, менинг исириғимни тортиб олгани келди шекилли. деб ўйландим-да: «Ўлжамни бермайман», дегандай қопга ўтириб олдим. Исириқлар мўрт бўларкан; ғарчиллаб синди, шитирлаб барглари тўкилди. Гўё исириқларнинг эмас, менинг қовургаларим сингандай...

— Қопда нима бор? — сўради у.

— Исириқ.

— Қаёққа олиб кетяпсиз?

— Шаҳарга.

— Пишириб ейсизми шунча исириқни?

— Сотаман.

— Э, бундан қанча пул топардингиз. Гектарчилик қилмайсизми?

— У нимаси?

— Нима кўп чўлда ер кўп. Сув ҳам бор. Қовун ёки тарвуз экаси. Бир сугориб, бир чопсангиз ҳосилини йиғиб улгуролмайсиз. Кузда пулнинг тагида қоласиз. Исириқнинг пули ўзига ўхшаш бебарака бўлади, бир тутаб йўқолади-кетади.

Унинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Ҳар эҳтимолга қарши унинг адресини ёзиб олдим. Керакли пайтда қаердан топишимни аниқладим-да, яна йўлга тушдим.

Йўловчи машина учраб қолди. Шофёрга ялиниб-ёлвордим-да, кузовида Тошкентга етиб олдим. Тошкент бозори боягидай ўз жойида турибди. Яхшиям чўлдан тезроқ қайтганим, йўқса бозор ишидан бутунлай чиқиб кетар эканман. Одамлар менга олайиб қарайдилар, мен ҳам уларга анқовдай қарайман. Атрофимда даллоллар, олиб-сотар эпчиллар ўралашиб юришипти:

— Бу нима?

— Сотиладими?

— Улгуржисига бор барака қила қолайлик...

«Бозор кўрган эчкидан кўрқ», дейдилар. Мен эса бозорда катта бўлган қушман. Мени алдаб бўпсанлар!

II

Ҳамма ишнинг ўз сири бор. Бозорда жой танлай билиш керак. Савдонинг юришиб кетиши ёки молнинг касод бўлиши эгаллаган жойингга боғлиқ. Аммо мен жой танлаб ўтирмадим. Панароқ ерда бўйранинг ўрнича жойга қопимни қўйдим-да, бутун қолган исириқ пояларини гулдаста янглиғ дасталадим, олдимга териб, ҳақ деб ўтирдим. Ҳадеганда харидор келавермади. Молингни сота билмасанг ҳам бир бало экан. Юрагим сиқилиб кетди. Бундан ўзимнинг гулчилигим минг марта яхши эди.

Баъзи одамларга ҳайронсан. Гулни нега ёмон кўраркин? Айниқса, маҳалла комитетининг раиси билан ўша участкавой!.. Нега улар гулнинг қадрига етмас эканлар? Ахир гул одамнинг дилини шод қилади, табиатини яшнатади, одамни майин, хушмомала, дилкаш ва раҳмдил қилади-ку! Ёмонми? Қачондан бери исириқни олдимга қўйиб ўтирибман, аммо уни ҳеч ким ҳидлаётгани йўқ. Ўзим ҳам унинг ҳидига маҳлиё эмасман. Олдимда исириқ ўрнига сават тўла гул турганда эди, бу чоққача неча киши келиб кетарди. Сотиб олмаса ҳам рангига босиб, кўзи тўйиб, бир ҳидлаб баҳри очилиб кетарди. Пулини аяганлар ҳам раҳматини аямас эди.

«Ўзинг исириқ сотишни билмаяпсан,— деди шайтон.— Гул сотишдаги булбуллингинг қани?!» Тактикамни ўзгартирдим-да, синашта усулимни қўллаб, булбулдай сайрай кетдим:

— Кеп қолинг, кеп қолинг, антиқа исириқ! Радди ба-

ло, дардга даво исирик! Кеп қолинг! Сотаману кетаман! Олганлар дармонда, ололмаганлар армонда... Кеп қолинг, опқолинг!..

Ҳаммадан аввал паттачи етиб келди.

— Патта олдингми?

— Энди оламан. Пича сотиб олай.

— Аввал тўла, кейин сот.

— Хўп бўлади.

Патта олиб, яна ҳайқира бошладим:

— Терламадан сақлайди. Гриппни гумдон қилади!..

Сотаману кетаман!..

Овозимни эшитганлар бир зумда атрофимни ўраб олишди.

— Менга бер!

— Менга икки боғ!

— Уч боғ узат!

— Навбатсиз келманглар!..

Қарасам, одамлар хорижий кино билетига қаторлашгандай тизилиб кетибди. Бозорим чаққонлашгач, ҳар икки харидордан кейин нархини оширавердим. Неча пул десам ушанчага оляпти. Бозорим чаққон бўлса ҳам кўнглим гул сотганча тўлмасди.

Тез-тез паттачи келиб-кетиб турди. Охирги бир тутамини унга ҳадя қилдим. Қўрққанимдан эмас, шундоқ, дилимдан чиқариб бердим.

— Буни уйингизга олиб кетинг, волидангиз мамнун бўладилар.

Тез орада исирикчиликда ҳам номим чиқди. Таърифимни эшитиб маҳалла комитетимизнинг раиси Бердиев исирик олгани ҳузуримга келди. Икки боғ исирик бердим-да, пулини сўрамадим. Раҳмат ўрнига у эски гапимни такрорлади:

— Серпул иш топибсан... Аммо пулни осон топяпсан, бир кун эмас, бир кун бурнингдан булоқ бўлиб чиқади бу червонлар.

Нима деса қуллуқ қилиб туравердим. Муроса керак-да.

Ундан кейин таниш участкавой, лейтенант Ҳакимов пайдо бўлди. У ҳам икки боғ исирик олди-да, пулини бермади.

— Эсингдами, мендан уч сўм қарздорсан,— деб қуйди.

Ўйлаб-ўйлаб зўрға топдим: ҳў, мени шаҳар ахлат

төзалаш ишхопасига ишга киритганида бир сават гулимни сотиб олиб, ўзимнинг номидан бошлиғимга тақдим этган эди.

— Ёдимда,— дедим ўшани эслаб.

— Тула ўшани ҳозир.

Уч сўм санаб бердим. У юзимга тикилиб туриб деди:

— Нимага ўша совға учун олинган гулнинг пулини ундириб олаётганимни биласанми?

— Бехабарман.

— Энди сен билан кўришолмаймиз. Мен бошқа ёққа ишга кетяпман. Сени энди янги участкавой назорат қилиб туради. Фамилияси Оллоёров. Сени безовта қилиб туриши аниқ. Маслаҳатим шуки, тезроқ фойдали ишга кир, тер тўкиб ишла!

— Бу меҳнат эмасми? Исириқни қаерлардан не азобда топиб келяпман. Ҳамма қилолмайди бу ишни. Ҳалол меҳнат. Ҳалол савдо. Бировнинг ҳақини емайман.

— Айтдим-қўйдим-да, Эркин булбул...— деди Ҳакимов.

Милиция ходимларининг ҳаммаси ҳам тили битта деб ўйлар эдим. Янги участкавой Оллоёров бир куни уйимга қидириб келди-да, томдан тараша тушгандай деди:

— Меҳнат қилмайдиган санғи сен бўласанми?

«Ана одамнинг фарқи», деб ўйладим. Аввалги участкавой бўлса суҳбат булакча борарди, бу билан гаплашиш ҳам мушкул эди. Аммо бўйнимни эгсам тамом...

— Мен ҳалол одамман. Ҳаромхўр бўлсам аллақачон авахтада бўлардим...— дедим унга.

— Авахтани ҳам биласанми? — деди у менинг гапимдан кулган бўлиб.

— Елкамининг чуқури кўрсин...

— Шу гапингда тур! — деди у менга чақчайиб.— Иккинчи бор келишимда меҳнат дафтарчасини кўрсатмасанг мендан хафа бўлма. Эски участкавой беш йилда қилолмаган ишни мен беш минутда бажариб қўяман. Билиб қўй: беш минутда!..

Қолган-қутган исириқни эртасига пуллагани чиқсам, бозорда ҳам икки милиционер супурги сотувчи борми, чаканачию пакет сотувчиларнинг ҳаммасини тўзитиб ҳайдамоқда. Гуё шу пайт улар мени ҳам қидириб юргандай. Қопчиғимни ичидаги бор бисоти билан ҳаммолнинг аравачаси тагига ташладим-да, қовун-тарвуз бозорига ўтиб кетдим. Бирам қовунлар, бирам тарвузлар...

- Қаернинг қовуни?
- Мирзачўлники.
- Тарвузлар қаерда битган?
- Мирзачўлда битган.
- Гектарчимисизлар?
- Қовунини енгү палагини сўраманг..

Қовун бозорини айланиб юрган эдим, таниш овоз эшитилди. «Исириқчи, ҳў, исириқчи! Келинг, қовун енг!»

Овозидан таниб қолдим. Бу — ўша мен билан чўлда учрашган ва мени гектарчиликка ундаган одам эди. Кўзимга ўтдай кўринди. Олдига бордим. У дарҳол мени ёнига ўтказди-да, қучоқ етмас бир олачани тарсиллатиб сўйиб, олдимга қўйди.

Бозор тўла қовун, аммо сотувчиларнинг қўли қўлига тегмайди. Ҳаммаси «олавернинг, деҳқончилик», деб сотяпти. Ҳеч ким уларга қаердан келдинг, нега сотяпсан демайди. Бозор тобора чаққонлашди. Танишим шошиб қолгач, менга:

— Ёрдамлашсангиз-чи,— деди.

Кечгача шу эски танишимнинг қовунини сотишиб бердим. Баъзан гулчиликдаги мижозларим, баъзан исириқфурушликдаги танишларимга қовун тутқазиб турдим:

— Шуни олиб кетинг, мазза қиласиз. Мана, еб кўринг, деҳқончилик... Кеп қолинг, қўй қийида, қуёш нурида, Сирдарё сувида пишган тоза палак!..

Овозим қовун бозори тугул мева бозорининг париги четида ҳам жаранглаб эшитилиб турди. Тоғдай уйиб қўйилган қовунни шомгача пуллаб қўйдик. Эски танишимнинг номи Баракабой экан, ярим кечгача уйимда зиёфат қилдим. Зиёфатдан кейин Баракабой тонг отгунча пул санади.

— Шунча пулни нима қиласиз? — сўрадим ундан.

— Катта топган катта сарфлайди,— деди у ва пул санашда давом этди.

Тонг отишини пойладим.

III

Менинг бунчалик ясанганимни одамлар, ҳатто қўни-қўшниларим ҳам кўргани йўқ эди. Шундай хушбичим кийимларим борлигини ҳам билмас эдилар.

— Йўл бўлсин, Москвагами? — деб сўради тўсатдан рўпарамда пайдо бўлган Бердиев.

Ўзим ҳам Москвага борадигандай башанг кийингандим. Лекин кўзим шаҳарлар йўлида эмас, олис чўл йўлида эди. Чўлда мен ҳам Баракабойдақа қовун, тарвуз экаман-да, прицепли машиналарда олиб келиб, шаҳар бозорини обод қиламан. Қани менга маҳалла комитети раиси Бердиев бирор аччиқ гап айтиб кўрсин-чи! Участкавойнга ҳам ўзимни кўрсатиб қўяман! Деҳқончилигимнинг асалини тотиб кўрсин. Қаварган қўлларимга боқиб, офтобда пишган юзларимга қараб ҳаваси келсин.

Кўксим орзуга тўлди...

Афсуски, Баракабой кўксимдаги бу ҳавас ўтини ўчирадиган совуқ бир гап қилди.

— Гектарчилик осон-ку, қовун-тарвузни пуллаш мушкул,— деди.

Унинг айтишича, баъзан тоғ-тоғ қовун-тарвуз далада, йўлда бозор кўрмай чириб кетар экан. Бозор кўрсин, деса эгаси ҳолдан тояркан. Таваккал, гектарчи бўламан, деб аҳд қилдим.

«Неча гектар ер олсам экан? Нималар экканим яхши: қовунми, тарвузми? Картошка билан пиёз ҳам яхши унади, дейдилар. Мендан нима кетяпти, ҳаммасидан экаман...»

Иш бошқа, ҳавас бошқа... Жуда тўғри айтган эканлар. Ҳали иш бошламасданоқ унинг мевасини санашга тушдим. Орзуга айб йўқ. Хаёлан ҳисоблаб чиқсам бир йилда қовун-тарвузнинг ўзидан палонча минг, картошкаю пиёздан палонча минг... Гулчиларнинг хаёлига ҳам келмайдиган маблағ!

Бундай хаёллардан оёғим олти бўлиб, совхоз дирекциясига бордим-да: «Ер беринглар, гектарчи бўламан», дедим. Униси унга, буниси бунга рўпара қилди. Уч кун деганда директорга дуч бўлдим. Совхоз директори хушфёъл, хушчақчақ одам экан, аризамни ўқиб, «иштаҳа катта-ку!» деб менга кулиб боқди. Мен қўл қовуштириб, мулоийм, бош эгиб турдим.

— Шунча ерни нима қиласиз? — сўради у.

— Экаман.

— Нима экасиз?

— Полиэкинларининг ҳаммасини экаман.

— Бригадангизда неча киши бор?

— Қанақа бригада? Мен ўзим экаман.

Директор ҳайрон бўлиб кўзимга боқди-да, сўради:

— Тракторингиз борми?

— Йўқ

— От-уловингиз бордир...

— Йўқ...

Директор қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

— Афанди экансиз-ку...

Унинг кулгисидан мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Лол бўлиб хомуш туриб қолдим.

— Бунча ерни яйдоқ қўл билан ҳеч ким эплаёлмайди,— деди у кулгисини бас қилиб, мулойим оҳангда.— Яхшиси совхозга кириб ишлайверинг.

Мен бўшашиб, нима деяримни билмай қолдим. Директор эгилиб қолган бошимга меҳрибонларча боқди-да, сўради:

— Деҳқончиликдан бошқа ҳунарингиз ҳам борми?

— Озгина монтерлик қўлимдан келади. Маҳаллада майда-чуйда...

— Бўпти, монтерлик қиласиз. Бир оз полиз экини эксангиз ҳам монеълик йўқ. Рўзгорингизга яратасиз.

Дастлаб ишим унча оғир бўлмади: вақтинча проводкани улаш, патрон қўйиш, куйган лампочкаларни алмаштириш каби енгил-елпи хонаки ишларни қилиб юрдим. Шу орада совхознинг бош агрономидан тортиб катта-кичикларигача танишиб олдим. Монтерман, деб ўтирмадимда, ким нима буюрса қилавердим. Қўнларнинг бирида Баракабой учратиб қолиб: «Ер тақсимоти бўляпти, четда қолиб кетма тагин», деди. Бош агрономнинг пинжига кирдим-да, «директор ҳам бир оз полиз экини экишимга монеълик қилмаган эди, ер беринг», дедим. У «йўқ» демади.

Баракабойнинг даласига яқин жойдан ер ажратиб бердилар. Қўп-қуруқ, қақраган ер. На уловим, на кетмоним бор. Кетмонни бир иш қилиб топиб келдим, аммо у билан икки гектар ерни эплаб бўлармиди. Тракторчиларнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқдим-да, ялиниб юриб бир кечада арзимаган пулга еримни ҳайдатиб олдим.

Бари бир Баракабойсиз иш битмади. Уни ҳашарга қақирувдим, уч киши бўлиб келди. «Мирза чўли» деган қовун уруғи олиб келган экан, кеча-кундуз жўяк тортиб уч кун деганда экишни тамомладик. Экиндан қўлим бўшаб совхоз идорасига борсам ўрнимни аллақачон «инженер-электрик» эгаллаб олибди. Менда на диплом,

ни гувоҳнома ва на ток ёнида ишлашга ҳуқуқ бор. Кадрлар бўлимида менга полизчилик бригадасини рўпара қилишди.

Этагимнинг пешини қоқдим-да, қовунзоримга бориб қапа тикиб олдим. Қапага электр ҳам керак эмас. Кундузи — қуёш, кечаси — ойдин. «Ўзинг учун ўл етим», деганларидай, бошингга тушса ҳар ишни қилар экансан, кеча-кундуз қўлимдан кетмон тушмади. Бирини ака, бирини ука, деб юриб лотокдан сув оқизиб келдим. Тўғриси айтсам, гулчиликдан орттириб белимга тугиб келган ақчаларимни ҳам битирдим.

Жисмоний меҳнатда чиниқмаган одамнинг чул ишига бардош бериши ҳам бир жасорат экан. Ҳа, мен буни жасорат, дейман. Бир мавсумнинг ўзида мен катта сировдан ўтдим... Иқроор бўлишим керакки, деҳқончилик менинг ишим эмас экан. Айниқса, қовун экишни Баракабўйдай бобо деҳқонларга чиқарган экан. Маслаҳат сўраб боравериб уни ҳам гангитиб юбордим.

Ҳар сафар ундан маслаҳат сўрагани борганимда: «Минг оғиз гапдан бир бор кўрсатиб қўйганим яхши», дейди-да, даламга бирга келади. Ҳар келганида ишимдан бир неча қийиқ топади. «Мана бундақа қил», дейди-да, намунасини кўрсатиб кетади. У кетгач яна янги-янги чопилмаган жойларда шумғия пайдо бўлди. Уни аранг йўқотсам баъзи жўяклар оқпалак бўлиб қолди. Қўлим қўлимга тегмай югуриб-елиб ишлашга мажбур эдим. Тердан баданим оқ ем бўлиб, офтобда қораялоғ бўлиб, шамолда юзларим ёрилиб, қовун пишиғига кириб бордим.

Қовун ҳосили оз бўлдию, лекин соз бўлди. Ширинлигидан пичоқ тегмай туриб тарсиллаб ёриларди. Яхши етилганини саралаб уздим-да, йўловчи машинага ортиб, эрта тонгда Тошкент бозорига йўл олдим. Катта йўлга чиқиб, энди Тошкент томонга бурилганимни биламан, милиционернинг ҳуштаги чуриллади.

— Инспектор! — деди шофёр кўзларини олабўжи қилиб.

— Йўл берк...

— Ҳужжатинг борми?

— Ўша улгур йўқ эди-да.

Қочишнинг иложи бўлмади. Милиционер аввало машинадаги қовуннинг ости-устини титкилади. Кейин шофёрдан қандайдир ҳужжатлар сўради. Шофёр жавоб

ўрнига елкасини қисди. Кейин мени суриштира бошлади.

— Деҳқончилик...— дедим мен қовунни кўрсатиб.

— Ҳужжат!— деди милиционер.— Кимсиз? Қовун кимники? Қаёққа олиб кетяпсиз? Санинспекция қогози борми? Гувоҳномангиз?..

Қовунимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди. Мен ҳам киракаш шофёрга ўхшаб елкамни қисдим. У қовун тула машинамизни четга чиқариб қўйди-да, иккимизни бошлиқнинг олдига олиб борди.

— Елка қисидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ,— деди у мотоцикл олдида турган бошлиқига.

Бошлиқни таниб қолдим. Ўзимнинг эски участкавойим Ҳакимов эди.

— Э, ўртоқ лейтенант Ҳакимов! Салом! Салом!— дедим.

— Лейтенант эмас, капитан!— деди бизни бошлаб келган инспектор.

— Салом, ўртоқ капитан!— дедим шоша-пиша.— Янги унвонлар муборак бўлсин!

— Энди кунинг қовунфурушликка қолдими?— деди у зарда билан.

— Сотиб олганим йўқ. Ўзимники. Деҳқончилик...

— Ҳужжат!— деди у тескари қараб.

— Қанақа ҳужжат?

— Булардан шубҳам бор, ўртоқ капитан!— деди инспектор.— Ўғирланган қовунларга ўхшаяпти. Шошилиб узилганлиги кўриниб турибди. Баъзилари думи билан узилган...

— Жамоатдан ташқари юрган одамнинг иши шунақа бўлади,— деди капитан Ҳакимов ва заҳархандалик билан қўшимча қилди.— Мана энди охириг вой бўлди. Энди менинг қўлимдан осонликча чиқиб кетмайсан!

Афтидан милиция капитани Ҳакимов мен ҳақимда «меҳнатсиз унсур» деган узил-кесил хулоса чиқаргандай эди.

IV

Ҳакимов суриштириб ўтирмади: «Қовунни қаердан ўғирлаган бўлсанг, ўша жойдан справка олиб кел!»— деди. Шофёрга эса бошқача гап қилди: «Машина керак бўлса, гаражнинг бошлиқлари олдингга келсин!»

— Қовун сизга совға! — дедим мардона. — Сиз менга яхшилик қилган одамсиз. Шу қовунни бола-чақангиз билан баҳам кўринг!..

Капитаннинг яна баттарроқ жаҳли чиқди.

— Мен қароқчи эмасман. Қовунингни олиб қолиш учун йўлингни тўсганим йўқ! Кечгача ҳужжат келтирма-санг, сени қаердан топиб келишимни ўзим биламан...

«Амал шунақа ёмон нарсами? Амали катта бўлиб, унвони ошгани учун шунақа бўлиб кетдими, бу собиқ участкавой Ҳакимов?» деб ўйладим. Гуё мен билган участкавой лейтенант Ҳакимов бу эмас эди. У тамомила бошқа одамдай, умрида мен билан салоом-алик қилмаган, пону қатиқ бўлмаган, тўсатдан дуч келган ёввойи одамдай, тўғрироғи гуноҳқорни жиноят устида қўлга туширгандай дўқ-пўписа билан гапирарди.

Унга гап уқтириш қийин бўлди. «Бўпти», — дедим-да этагимнинг пешини қоқиб, орқамга қайтдим.

— Қаёққа? — қизиқиб сўради у.

— Совхозга.

— Қайси совхозга?

— Мени гектарчиликка олган совхозга.

— Ҳали сен гектарчимисан? — деди-да, Ҳакимов йўлимдан қайтариб, ёнига ўтқазиб қўйди. Совхознинг номини ўзимдан билиб олгач, мотоциклини тариллатиб қаёққади кетди. Мен қимир этмай ўтириб қолдим.

Ўтирган жойимда мени гектарчиликка жалб қилган Баракабойни етти пуштигача сўкдим. Ўша йўлдан урмаса мен бунчалик хор бўлмас эдим.

Мотоциклини тариллатиб Ҳакимов қайтиб келди.

— Ҳаммасини билдим, — деди у моторли йўрғасининг эгаридан тушаркан. — Ҳаммаси равшан. Ҳозир совхозингдан одам келади.

— Нега?

— Сен совхоз билан ҳисоблашмай қочиб кетибсан.

— Қочганим йўқ!

— Бекор айтасан! Шошмай тур, ҳали совхоз вакили келганида эшитасан эшитадиганингни.

Ўзимни ўзим айбладим. Чунки совхоз билан қилган шартномани ўзим буздим-да. Аввал совхозга топширишим, кейин ўз улушимни олишим керак эди. Мен аввал ўзимга бўлсин, дедим. Нафс ўлсин!..

Совхоз вакили етиб келдию, Ҳакимовнинг тили яна бир қарич бўлди. Совхоз вакили ҳам мени қип-қизил

ўғри, алдоқчи, аҳдида турмаган бевафо гектарчиликда айблади. Мен лол бўлиб туравердим.

Милиция бўлимида уч кун тергов бердим. Тўртинчи куни ишимни судга оширдилар. Суд бўлишини кутиб қамоқда ётдим. Ҳеч ким мени танимайди. Ҳеч ким мени йўқламайди. Шипга тикилиб ётаман. Қамоқхона шипи гоҳ осмондай узоқ бўлиб кўринади, гоҳ устимга ағанаб тушаётгандай бўлади. Уйқу қаёқда. Баъзан кўзим юмилади-да, яна очилади. Алаҳлаб уйғонаман. Ёнбошласам бошим деворга урилади. Яна уйқу қочади.

Эркин булбул бўлиб, ялло қилиб юраверган эканман. Мана бунақа қафасда ётиш ҳам бор экан қисматимда. Ётавериб биқиним тешилаёзди. Шипга тикилишдан ҳам зерикдим. Кенг майдон, очиқ осмонни соғиндим, аммо ташқарига маълум зарурат тугилган чоқдагина олиб чиқадилар. Кўзим уйқуга кетиши ҳамон туш кўраман. Тушимда ҳамма мени қидириб юради. Онамнинг эса сочлари ёзилган, кўзи тўла ёш билан кимлардандир: «Боламини жабрламанглар», деб ўтинади. Акам ҳамон жаҳлидан тушгани йўқ: «Ўзингдан кўр, қилмишингга яраша жазангни тортасан!» дейди у менга хўмрайиб... Ҳакимовга ялинаман: «Майли, нимани буюрсангиз бажо қиламан, аммо мени очиқда қолдиринг. Мен озодликни яхши кўраман. Мени Эркин булбул дейдилар...» Ҳакимов пинагини бузмайди, мен ялинишдан тўхтамайман. «Мени қўйиб юборинг, ҳақиқий меҳнаткаш бўламан, ҳавасингиз келадиган меҳнат қиламан!»

Сесканиб уйғонсам, тушим экан. Аммо ўнгимда ҳам худди шу хил воқеа юз берди. Мени халқ судига олиб бордилар. Қора курсида ўтириб, сўроқ бердим. Совхоздан келган гувоҳларни сўроқ қилишди. Ҳакимовга ёмонлаган одам судда ҳам юзимга қоракуя суркай бошлади. «Ёлғон», дедим унга луқма ташлаб. Ҳеч ким эътибор қилмади. Унинг гапларини суд секретари оқизмай-томизмай ёзиб олди. Кейин иккинчи гувоҳга сўз бердилар.

Зимдан қарасам, ўзимизнинг Баракабой гувоҳлик беряпти. «Ҳақ гапирмасам жиноий жавобгарман», деган қасамёд қилгач, Баракабой менинг юзимдаги қора доғни артиб, елкамдаги юкни анча енгил қилди. Энг муҳими шундаки, у менинг қовун ўғриси эмаслигимни, ўз меҳнат ҳақимни олганлигимни исботлаб берди. Судьянинг: «Сизнингча бу одам оппоқ ва бегуноҳми?» деган саволига у: «Гуноҳи шуки, Эркин Акбаровнинг гектарчиликда

тажрибаси йўқ. Биринчи йил ишлаши. Шу боисдан ёшлик қилиб, ўз қовунини совхоз бухгалтерияси дафтаридан ўтказмаган ва бу ҳақда справка олмаган. Айби шу», деб жавоб қилди.

Унинг сўзларини оқловчи қувватлади. Мен оқловчи ёллаганим йўқ эди, аммо судьялар судланувчининг ишига қараб, оқловчини ўзлари чақирар эканлар. Оқловчи менинг мушкулумни анча осон қилди. Дадилланиб, охириги сўзимни анча пухта гапирдим. Хатоимни энди тушунганим, кўзим очилгани, энди онгли ҳаёт кечиришга аҳд қилганимни айтдим.

Тавбамни қабул қилдилар шекилли, суд ҳайъати ўз кенгашидан анча юмшаб чиққандай кўринди. Ўзимни анча енгил сездим. Оқланиб кетсам керак, деб ўтирган эдим, кутганимдай бўлмади, қурилишда ишлаш шарти билан мажбурий хизматга кесилдим.

Қаерда, қайси қурилишда ишлаш ўз ихтиёримда эди. Иш ҳақимдан йигирма беш процентини давлатга тўлашим шарт. Маълумки, қурилишдан кўпи йўқ. Янги совхоз қурилишида ишласанг ҳам бўлади. Янгиерда қурилаётган заводга борсанг ҳам майлига, дегандай маслаҳат бердилар.

Қаёққа бориб, қайси қурилишда ишласам экан?

Нима қиларимни билмай қолдим. Тошкентга қуруқ қўлим билан борсам онам нима дейдию, акам қандай қарайди бунга. «Ҳолинг шу бўлдимми?» демайдиларми? Совхозга қайтсам, Баракабойга қайси кўзим билан қарайман. Ер ўлчаб берган бригадир, сув келтириб берган миробларга нимани ваз қиламан. Уларнинг умидларини ҳам пучга чиқариб қўйдим.

Умримда биринчи марта ёлғизлик нималигини билдим...

Менинг кунимни ҳеч кимнинг бошига солмасин...

УЧИНЧИ БОБ

I

Ҳунар танлашни билмаганимга минг пушаймонман. Қурилишда нима қилишим мумкин? Қайси бир иш қўлимдан келади? Фишт терувчи бўламанми? Бе! Қўлимдан келмайди. Бетончи бўлайми? Бу ишни ҳам сира қилган эмасман. Ҳатто кўрмаганман. Нима қилсам экан? Ўйлаб

уйимга етолмадим-да: «Нима иш тўғри келса ушани қилавераман. Таваккал. Пешанамда борини кўраман...» деган хаёл билан катта йўл бўйидаги чойхонага бордим.

Чойхона гавжум. Биров кириб, биров чиқяпти. Тўп-тўп одамлар. Ёғоч каравотда, столлар атрофида, рўпара келган жойда ўтириб чойхўрлик қиларди. Баъзи бировлар эса колбасами, пиширилган балиқми, топганини ўртага қўйиб пиёла айлантириб ўтирардилар. Мен ҳам бўш жойга ўтирдим ва тўртта «гўшткуйди»ни бир чойнак чой билан уриб олдим. Қорним тўйганидан кейингина атрофимдаги одамларнинг гаплари қулоғимга чалина бошлади. Назаримда ҳаммалари ҳам қурилиш тўғрисида гапираётгандай эди. Синчиклаб қулоқ солсам, чап ёнимда ўтирган кишилар янги совхоз қурилиши ҳақида гапиряптилар. Ўзимга таниш ишлар. Ўнг ёнида пиёла айлантираётган одамлар эса икки гапнинг бирида «ГРЭС... ГРЭС...» демоқдалар.

Совхозда юрган кезларимда ҳам шу ҳақда анча гаплар эшитган эдим: «Сардондаги қурилиш битса, бу жойлар бўстону чароғон бўлиб кетади, лекин ҳали унга анча вақт бор». Ўтибор билан гапларининг мағзини чақсам бу одамлар ҳам ўша Сардон қурилиши ҳақида гапирмоқда эканлар.

Сардон қаердаю, қурилиш қаерда? Сўраб билгим келди.

- Кечирасизлар, бир нарсани сўрасам майлими?
- Майли,— деди уларнинг бири.
- Ўша Сардон қурилишига одам керакми?
- Керак бўлганда қандоқ? Ҳунаринг борми?
- Беҳунарман-да. Кетмон чопишни сал-пал биламан.
- Кетмончи ҳам жуда кўп керак у ерга.
- Мени ҳам бирга олиб кетасизларми?
- Биз ҳозир у ёққа эмас, бошқа ёққа кетяпмиз.

Катта йўлга чиқсангиз, йўловчи машина кўп ўтади.

Шу кеча чойхонада тунадим. Уйқум келмади. Самоварчи солиб берган юпқа ва эски кўрпача устида ҳар ёққа ағанайвериб қовурғам қайишди. Қаёққа ағанамай, хаёлимда тақдирим муаммолари... «Бирор ҳунарининг ипини ушлаганимда бунча сарсон-саргардон бўлмасдим... Шунисига ҳам шукур, бундан баттар бўлса нима қилардим. Пешанамда бор экан-да...»

Пешанамда нима бўлса шуни куришим керак...

Шундай қилиб, эрталаб яна йўлга чиқдим-да, Сардон томонга борадиган йўловчи машинани кутдим. Ҳадеган-да машина келавермади. Бир оз пиёда юрдим. Бошим хаёлдан оғирлашиб, тобора пастга энгашиб борарди. Гўё мен йўл бетидан нимадир қидириб бораётган кишидай энгашиб борардим. Орқамдан грузовик келди. Кузо-вида беш-олти одам. Қўл кўтариб уни тўхтатдим-да, сакраб чиқиб уларга қўшилиб олдим. «Қўшнинг кўр бўл-са кўзингни қис», деганлар. Улар нима қилса мен ҳам қўшилишиб қилавердим: ашула айтсалар ашула айтдим, ўйинга тушсалар ўйинга тушдим. Бирпасда уларнинг ўз одами бўлдим-қолдим. Тез орада мени «шерик» деб гапирадиган бўлдилар.

— Шерик, сўраганнинг айби йўқ, қаерда ишлай-сан? — мурожаат қилди менга ўрта яшар бир ҳамро-ҳим.

У менга шундай тикилиб қарадики, гўё жавобини кўзларимдан қидирав эди. Билиб турибман, кўзларим хомуш, ўйчан бўлса керак. Мен ундан дарҳол кўзларим-ни яширдим-да, атрофга ҳавас билан боққандай бўлдим. У ҳамон мендан кўзини узмасдан жавоб кутарди. «Ҳеч қаерда ишламайман, мажбурий хизматга кесилдим», де-гани уялдим. Ким билсин, бу одамнинг ўзи ким, юмуши нима, нотаниш одамга сир айтиб бўладими?

— Ўзингиз қаерда ишлайсиз? — қарши савол ташла-дим.

— Янги ишга кетяпман,— деди у менга таажжуб билан қараб олгач.

— Қанақа янги иш? Қаерда?

— Қаердалигини аниқ билмайман. Чўлда. Биласиз-ку, чўл ҳам океандай гап. На қирғоғи қўринади, на туби. Борганда биламиз. Мен қурувчиман. Чўлда катта қури-лиш бўляпти... Шерик,— деди у менга яна мурожаат қилиб.— Саволимга жавоб қилмадингиз?

— Гектарчи эдим. Синдим...— дедим бир уқ тортиб.

— Демак, ҳозир бекорчисиз. Шундайми?

— Шундай...

— Бизга шерик бўла қолинг.

— Қурилиш ишини билмайман-да.

— Ҳеч ким қурувчи бўлиб туғилмайди. Ўрганиб ке-тасиз.

Менинг кўнглимдаги гапни айтгани учун рози бўл-дим.

«Катта қурилиш бўляпти» деганида борамизу замонавий ётоқхонага жойлашамиз, ошхонага кириб тўйиб овқат еймиз, кечқурунлари кино кўрамиз, деб ўйлагандим. Қаёқда! Биз келган жой бир вақтлар ўзим исириқ терган икки дўнглик оралиғи эди. Исириқдан помнишона ҳам қолмапти. Боя мени шерикликка чорлаган одамдан сўрадим.

— Шу ерда яшаймизми?

— Шу жойда яшаймиз.

— Иморати йўқ-ку!

— Иморатни ўзимиз қурамиз,— деди-да, дарҳол буюрди: — Палаткаларни туширинглар.

— Хўп, бригадир,— деди шериклардан бири.

Машинадан палаткаларни тушириб олдик. Бригадир оёғининг учи билан белгилаб берган жойларга қозик қоқиб, палатка тикдик. Аскар болалардай похол устига кўрпа-тушак солдик-да, қаторлашиб ётдик. Шерик бўлгандан кейин ҳамма нарса ўртада, деб уларнинг кўрпа-тушагига, ҳатто қопчиқларидаги нон-тузига ҳам шерик бўлдим.

Шерикларим узоқ-яқиндан келган, меҳнат жараёнида иноқлашиб кетган одамлар экан. Қимнинг нимаси бўлса ўртага қўяди. Сеники, меники, деган гап йўқ. Мен ҳам ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан тортинмадим. Шундай яхши одамлардан сиримни яширгим келмади. «Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийинги чиқади», деган эди онам. Қийингим чиқмасдан ўзим айтиб қўя қолай дедим-да, Зобир бригадирни чеккага тортиб, секин гап бошладим:

— Мени уришмасангиз сиримни сизга айтмоқчиман.

— Айтавер, сирини айтган одамдан нодонларгина хафа бўлади.

— Бир йиллик мажбурий хизматни уташим керак...

— Хўш, нима бўпти. Утайверасан-да,— деди Зобир бригадир. Сўнгра ҳушёр тортгандай бўлиб сўради.— Нима учун мажбурий хизмат?..

Бўлган воқеани айтиб бердим. Зобир бригадир эътибор билан ҳикоямни тинглади-да, яна бояги гапини такрорлади:

— Хўш, нима бўпти?! Биз билан ишлайверасан...

Енг шимариб ишга киришдим.

Гектарчилик қилган вақтимда чўлқуварлардан, айниқса, Баракабойдан саҳро ҳаёти тўғрисида кўп ҳикоялар эшитгандим. Ҳикояларда айтилишича, тайгаларда айиқлар ҳокимлик қилса, чангалзорларда филлар, арслону йўлбарслар ҳукм суради. Бизнинг тайгамиз бўлмиш Мирзачўл саҳросида бўридан тортиб, билакдай-билакдай илонлар ҳўжайинлик қиларди. Бу ҳуқуқни уларнинг қўлидан одамлар аста-секин тортиб олмоқда. Аммо «чўл ҳокимлари» ўз ҳуқуқларини одамларга осонликча топшираётганлари йўқ.

Навбатдаги палаткага жой тайёрлаётган вақтимда «чўл ҳўжайинлари»нинг бири билан тўқнашиб қолдим. Бурганзорни текислаётсам, саксовул тўнкаси кўрингандай бўлди. Яқин бордим. Илон!.. Қўрқдим. Қочсам қўвлайди. Ўзимни мудофаа қилишим керак. Энг яхши мудофаа — ҳужум. Кетмон билан бир ургандим, чўзилиб қолди.

— Она илонни ўлдириб қўйдим! — дедим Зобир бригадирнинг олдига бориб.

— Чакки қилибсан,— деди у.— Илонлар энди сенга кун бермайди...

— Бошқа иложим йўқ эди. Ўзимни ҳимоя қилдим...

— Булар иш бўпти,— деди Зобир бригадир,— ҳушёр бўл, кечаси бу ерда ухлаб бўлмайди, бу қасоскорлар бизни тунги уйқуда босади...

— Нима қилиш керак? Шаҳарга бориб ётсакмикин?

— Ҳеч қаёққа бормаймиз. Шу ерда ётамиз,— деди Зобир бригадир.

«Қасоскор илонларнинг заҳридан қўрқмаяпти бу Зобир», деб ўйладим. «Она илонни мен ўлдирганман. Заҳарласа мени заҳарлайди, буларга тегмасликлари ҳам мумкин...»

Кетмоқчи ҳам бўлдим. Аммо мени яна Зобир бригадир ушлаб қолди. «Ҳеч қаёққа кетмайсан, бир кечани ўтказиб олсак, бас, эртага илонларнинг ҳаммасини ё ўлдирамиз ё сургун қиламиз», деди у ишонч билан.

— Қандай қилиб? — сўрадим ундан.

— Бу кеча илонга қарши мудофаа қўрғони ичида ётамиз,— деди у менга.— Ҳозирча жун арқон, жун адёл, намат, борлиқ жунли нарсаларни топиб келинглар.

Унинг буйруғини бажо қилиб, ҳар ким ҳар ердан

топганини олиб келди. Палаткамизнинг атрофига жули парсаларни ёзиб қўйдик.

— Бўри оловдан қўрқанидай илон жундан, айниқса, арқондан қўрқади,— тушунтирди Зобир бригадир.

Зобир бригадир асаби мустаҳкамлигиданми ёки ўз мудрофаа қўғонининг қудратига ишонганиданми, ётдию донг қотди. Бошқалар ҳам аста-секин уйқуга кетди. Аммо мен сира ухлаёлмадим. Кетмонимни ушлаб, илонлар ҳужумини кутдим.

Ярим кечада шамол кўтарилди, палаткамиз атрофида бурганлар шитирлади. Кетмонни жангга ҳозирлаб, палатка эшигидан бошимни суқиб қарадим. Ой нур сочиб турарди. Атроф ёп-ёруғ...

Тонг отди. Узоқ-узоқдан кўкиш чимматини аста кўтариб, қамашган кўзини жимирлатиб томошақавоқдай ёшгина қуёш кўринди. Унинг нурлари палаткамиз эшиги тирқишидан ўтиб, шерикларим орасидан танлаб олгандай Зобир бригадирнинг кўзига тушди. Зобир бригадир кўзларини ишқалай-ишқалай «Подъём!» деди.

— «Дўстларинг» келмадими? — сўради Зобир бригадир.

— Келди. Ана, мудрофаа линиямиз атрофида юришибди,— дедим мен унга.

— Ҳозир илонлар инига кирадиган вақт...— деди Зобир бригадир қуёшга зўрға боқаркан.

Ҳақиқатан ҳам палатка атрофида бирорта илон қолмаган эди.

III

Ҳар ким ўз ҳунарини қилсин экану ўрганган жойида яшасин экан... Ҳадеганда ишга, шароитга кўникиб кетолмадим. Турли-туман иш қилсам-да, менинг учун ҳаммаси бегона ва шу сабабдан оғир эди. Гулчиликдами, исириқфурушликдами, нима қилсам ҳам шаҳардаги юмушим оғир меҳнат эмас эди. Бу ерда эса чарчоқдан ухлаёлмайман, ухлаб қолсам, эрталаб туролмайман.

Шаҳардаги юмушим серпул иш бўлиб, ҳаминша қўлимда ақча ўйнарди.

Кўзимга ҳадеб илонлар кўринаверади, кейин узоқ-узоқда улиган бўриларнинг мудҳиш овозидан этим уви-

шади. Гўё улар шунча одамнинг ичидан фақат мени хом-талаш қилмоқчи бўлгандай: «Ҳузур-ҳаловатдан маҳрумсан. Оби-таомингда ҳам маза-матра йўқ. Ҳар куни бир хил борш билан котлет. Ётиш-туришинг ҳам мусофирдан баттар. Шу ҳам ҳаётми? Кет бу ердан!»

Шайтон зўрлик қилди. Шерикларим тонгги уйқуда маст ётганларида аста ўрнимдан турдим-да, тугунимши қўлтиқлаб палаткадан чиқдим.

— Қаёққа?..

Безовта бўлиб ухлаёлмаганимдан Зобир бригадир хабардор экан. Ҳаракатим бежолигини сезгач, ўрнимдан турди.

— Қўлингдаги нима?

— Кийим-кечагим.

— Қочмоқчимисан?

— Бу ернинг ишига ярамаяпман. Бригадангизни орқага судрагим йўқ...

— Бекор айтибсан, ким она қорнидан соқол-мўйлаби билан тушибди? Ҳеч ким! Сенга жавоб йўқ!

«Жавоб бермасангиз ҳам кетаман!» дедим-да, палаткадан чиқдим. «Қаёққа?» Хаёлимда шу савол, аммо жавоби йўқ, оёқларим ўзи кетяпти, кетяпти...

Орқамдан «Тўхта!» деган овоз эшнитилди. Қарасам, Ҳуриддин югуриб келяпти.

— Тўхта! — деб такрорлади ёнимга етиб келгач. — Қаёққа кетяпсан?

— Бошим оққан томонга...

— Бекор айтибсан, ошнам, қайт орқангга! — деди Ҳуриддин. — Ҳеч бўлмаса мажбурий хизматингни битириб ол. Ёрдам берамиз.

Иккиланиб туриб қолдим. «Қайтайми, кетаверайми?.. Кетсам нима бўлади? Қайтсам-чи?..»

Ҳуриддин тугунимни тортиб олди-да, қўлимдан етаклаб орқамга қайтариб кетди.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир, — деди у менга насиҳат қилиб. — Кўникиб кетасан, ишга ҳам, шароитга ҳам... Фақат кўнглингни бир жойга қўй. Қўлинг ишга бормай, кўзинг йўлга боқаверса одам бўлмайсан, дўстим, биздан қутулолмайсан энди! — деди.

Палаткага қайтиб келганимизда униси-буиси у-бу деявериб ансамни қотирди:

— Бу ерда белбоғи борлар ишлайди...

— ГРЭС қуришни курортда яшаш деб уйловдингми?..